



## ЖОНЗОТЛАР ҲАЁТИ ИНСОН УЧУН ИБРАТДИР

*Латинов О.Ж.,  
Ўзбекистон Республикаси  
Жамоат хавфсизлиги университети  
Тилларни ўрганиш кафедраси доценти,  
филология фанлари номзоди*

**Аннотация.** Инсоният қадимдан жониворлар билан уйғунликда яшаб келади. Уларнинг аксарияти инсон хизмати, фойдаси ва манфаати учун яратилган бўлса ажаю эмас. Асрлар оша ҳайвонот олами инсоният оламининг ажралмас қисмига айланган. Уларнинг инсоният ҳаётидаги ўрни беқиёслига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Тарихан асрлар мобайнида инсониятнинг ҳайвонот оламини ўрганишлари, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини кузатишлари натижасида тилимизда зоонимлар билан боғлиқ бўлган минглаб ибора, мақол ва маталлар шаклланган. Айрим ҳолларда улардан ҳатто ўрганиш, ибрат олишга ҳам тўғри келади. Ҳар бир жонзотнинг инсон ҳаётидаги ўз ўрни ва рамзий маъно касб этган ҳолда ижобий ёки салбий хислатга эга. Мазкур мақола жонзотларнинг инсоният ҳаётидаги ўрни ҳамда улар билан боғлиқ бўлган ибораларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга бағишланган.

**Калит сўзлар:** зоонимлар, ибора, коннотация, орнитоним, мақол, матал, топишмоқ.

Инсоният қадимдан жониворлар билан уйғунликда яшаб келади. Бинобарин, уларнинг аксарияти инсон хизмати, фойдаси учун яратилган. Асрлар оша ҳайвонот олами инсоният оламининг ажралмас қисмига айланган. Демак, уларнинг инсоният ҳаётидаги ўрни беқиёсдир. Айрим ҳолларда улардан ҳатто ўрганиш, ибрат олиш жоиздир. Масалан, асалари ва чумолидан – меҳнатсеварлик ва ҳалолликни, шердан – жасурликни, итдан – садоқатни, отдан – донишмандликни ва ҳоказо. Ҳар бир жонзотнинг инсон ҳаётидаги ўз ўрни ва рамзий маъно, ижобий ёки салбий хислатга эга. Улардан тиббиётда ҳам кенг қўлланилади. Масалан, асалари захри артритни даволайди. Маълумки, асаларига чақтириб даволаш – қадим замонлардан буён қўлланиб келинаётган самараси синалган табобат усулларида бири. Олимлар асалари захри ёрдамида даволаш борасида бундан икки минг йил олдин ёзилган манбаларни топишга муваффақ бўлишган. Бу усулдан илк бор Қадимги Миср, Юнонистон



ҳамда Хитойда фойдалана бошлаган. Табиблар асалари захри ёрдамида асосан артрит ва ревматизм билан оғриган беморларни даволашган. Шунингдек, асалари захри теридаги битмайдиган яраларни, варикозни, простатит ва аёллар бепуштлигини даволашда яхши самара беради.

Бундай хислатнинг сабаби шундаки, дунёда олтига жонзот борки, Ҳазрати Расулулоҳ соллаллоҳу алайҳи вассалам уларни ўлдиришни маън қилганлар. Ҳазрати Расули акрам (соллаллоҳу алайҳи васаллам) куйидаги сабабларга кўра асалари, чумоли, қурбақа, чумчуқ, ҳудҳуд ва қалдирғочни ўлдиришни маън қилганлар: асалари шундай жонзот эканки, фақат ҳалол еб ҳалол қайтарар экан. Шунинг эвазига Тангри таоло асаларини шунчалик мўътабар деб билар эканки, бундай иззат инсу-жинда ҳатто йўқ экан. Шу боис инсон азалдан ҳалолликка интилиб яшайди.

Чумолининг Аллоҳ ҳузуридаги иззат-эътибори шунда эканки, ҳазрати Сулаймон ибн Довуд (а.с.) замонларида кучли қурғоқчилик дунёга ҳукмрон бўлганида, одамлар ибодат қилиб Аллоҳдан ёмғир сўраган пайтларида ҳазрати Сулаймон пайғамбар (а.с.) нинг кўзлари бир чумолига тушган экан. Сулаймон (а.с.) икки оёқда тик ва икки қўлини осмонга баланд кўтарган ҳолда турган чумолининг сўзларига қулоқ тутсалар, у Парвардигорга шундай арз қилармиш: “- Эй Худо! Биз ҳам сен яратган бошқа махлуқотлар сингари махлуқларингданмиз. Биз ҳам улар каби сенинг фазлу-карамингдан ноумид эмасмиз. Бизларни ўз ризку-рўзингдан узоқлаштира, бемурувват инсонларнинг гуноҳлари туфайли бизларни жазоламагин!” Демакки, табиатдаги турли хил ижобий ва салбий ҳодисалар инсониятнинг ҳатти-ҳаракати ва ҳулқ-атворида боғлиқ экан, деган ибратли хулосага келишимиз лозим.

Иброҳим (а.с.) ни Намруд подшоҳ оловда ёқиш учун ташлаган пайтда инсонлар ва бошқа жонзотлар Худодан сўрашдан бошқа иш қилмай турганларида, қурбақа сув ютиб, оловни учираш учун оловга кириб танасининг тўртдан бир қисмини куйдириб олиб, оловга сув сепган экан.

Ҳудҳуд Сулаймон (а.с.)га Балқис мамлакатига бориш учун йўл кўрсатган экан. Одам (а.с.) га Сарондиб юртидан Жидда шахрига келишлари учун ҳамроҳлик қилиб йўл кўрсатган экан. Демак, йўли ёки манзилидан адашган кимсага тўғри йўл кўрсатиш нақадар хайрли иш ва савоб эканлиги ҳеч кимга сир эмас.

Қалдирғоч осмонда чарх уриб парвоз қилганлигининг сабаби инсонларнинг бир-бирларига ситам кўрсатганликлари учун ғам чекаркан ва у



тўхтовсиз ибодатда бўлганлиги учун у овоз чиқарган пайтда “Валаз зооллийн” деган жумла эшитилар экан.

Дарҳақиқат, дунёнинг биз англаб етмаган жуда кўплаб сиру-асрорлари мавжуд экан. Инсониятнинг узок давр мобайнида олиб борган кузатишлари ва таҳлиллари **натижасида тилимизда зоонимлар билан боғлиқ бўлган минглаб ибора, мақол ва маталлар шаклланишига ҳамда она тилимизни янада бойитишга сабаб бўлди.**

Мазкур жонзот номлари тилимизда ҳам турли хил ўхшатма, ибора, мақол ва маталлар таркибида ҳар хил маъноларда ҳам қўлланилиши мумкин экан. Масалан, *чумоли бел* хипча, ингичка белли, нозик белга эга бўлган шахсни таърифлашда ишлатилиши мумкин.

**Ёки чумчуқ сўзи билан чумчуқдан қўрққан тариқ экмас** мақоли деҳқончилик, яъни экин-текин билан шуғулланувчи кишилар фаолиятида юзага келган бўлса ажаб эмас. Салга қўрқадиган, чўчийдиган, қўрқоқ одамга нисбатан **чумчуқ пир этса, юраги шир этади** мақоли мос.

**“ҚАЛДИРҒОЧ. 1** Чумчуқсимонлар туркумининг бир оиласини ташкил этадиган, қаноти ингичка ва узун, жуда тез учадиган, қора-ола кичкина кушча. *Туя қалдирғоч. Шаҳар қалдирғочи. Тоғ қалдирғочи. Бир неча қалдирғоч Салорнинг оқиши бўйлаб учар ва учган кўйи «валфажр» ўқир эди-лар. А. Қодирий, Ўтган кунлар.*

**2** *кўчма* Бирор нарсанинг пайдо ёки содир бўлиш белгиси; бошлаб берувчи, даракчи. *Ҳа, кампир, севиниб қолдингизми? Эшитиб хурсанд бўлдим. Рустам қалдирғочини юборибди, ажабмас, кетидан ўзи ҳам қанот қоқиб келиб қолса. В. Гофуров, Вафодор. Чегарадош ерларда Жиззах чўлини қалдирғоч хўжалиги ташкил топди. «Ўзбекистон кўриқлари». Жамоамизда янги ва улуг ишининг.. қалдирғочлари бўласиз. Ш. Гуломов, Ёркин уфқлар. ..Ҳожиақбар Шайховни ўзбек илмий-фантастик адабиётининг қалдирғочларидан бири, деб атаса бўлади. Газетадан” [2, 5 ж., 562 б.]*

“Часто употребляемый устойчивый оборот речи «первая ласточка» обычно употребляется при первом признаке проявления чего-н. хорошего, а также лексема ласточка может быть употреблена в качестве ласкового обращения по отношению к девочке, женщине (ср.: Ласточка, ты моя!). Коннотация слова қалдирғоч (ласточка) – (бирор нарсанинг пайдо ёки содир бўлиш белгиси; бошлаб берувчи, даракчи) ассоциируется с признаком, предвещающим начало или происхождение чего-либо позитивного” [1, 143]; *чумчуқ семирса, чакса келмас; қарчигай қариса чумчуққа майна бўлар* мақоллари ва *тумшуқсиз*



*чумчуқ муз тешар* (ёмғир томчиси) мазмундаги тўқилган топишмоқ мажозий маъно кўчириш натижасида юзага келган десак, муболаға бўлмас.

Шундай экан, зоонимлар билан боғлиқ бўлган мазкур мақол ва ибораларни билган ҳолда номлари юқорида зикр этилган жонзотларни авайлаб асрашимиз лозим экан. Юқорида келтирилган мисоллардан келиб чиқиб, ҳар бир киши ўзи учун тегишли ибратомуз хулосага келиши керак. Ёш авлодни она тилимизнинг бебаҳо бойлиги бўлган мазкур мақол ва маталларни ўзлаштириб, луғат бойлигини янада ошириш ва шу билан бирга лингвистик компетенциясини шакллантириш, одоб-ахлоқ ҳамда экологик тарбиясини йўлга қўйиш каби қатор масалалар ечимига хизмат қилишидан умидвормиз.

#### Адабиётлар:

1. Латипов, О.Ж. Коннотативный характер наименований диких птиц в русском и узбекском языках//ФарДУ. Илмий хабарлар журнали, 2021 йил, №5, 140-145 б.
2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Ўзбекистон миллий энциклопедияси.–Т., 2008.–680 б.
3. Умарова, Ф. З. Обучение учащихся русскоязычных школ использованию в узбекской речи вспомогательных глаголов : специальность 13.00.02 "Теория и методика обучения и воспитания (по областям и уровням образования)" : автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата педагогических наук / Умарова Фарида Зикириллаевна. – Ташкент, 2000. – 27 с. – EDN ZMБЕАН.
4. Умарова Ф. З. Готовность педагога к личностно-ориентированному образовательному процессу в школе //Образование через всю жизнь: непрерывное образование в интересах устойчивого развития. – 2010. – Т. 8. – С. 385-387.
5. Ikanova, L. (2020). ANALYSIS OF TWO TASKS FROM THE POINT OF PRAGMATICS. Modern trends in linguistics: problem and solutions, 25-26.